**Истиқлол йилларида юртимизда ёш авлод манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг етук инсон бўлиб вояга етиши йўлида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

*Burch va mas`uliyat*

# Фарзандлар камолоти

## бу борада ҳар биримиз масъулмиз

Ёшлар ҳуқуқлари ва уларнинг камолотини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий асослар мамлакатимиз Конституцияси, фуқаролик, меҳнат, таълим соҳаларига оид кодекслар, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари", "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси" тўғрисидаги қонунларда ўзининг теран ифодасини топди.

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини кафолатлаш, содир этилган номуносиб хатти-ҳаракатлар юзасидан либераллаштирилган тарздаги жазо чораларини қўллаш амалиёти туфайли кейинги йилларда вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳоллари камайди. Хусусан, Хоразм вилоятида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этганлиги учун судланганлик ҳолати йилдан-йилга камаётгани кузатилмоқда.

Айтиш жоизки, инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутади. Чунончи, вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишда уларнинг ижтимоий-руҳий ҳолатини, албатта, ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун ҳам амалдаги қонунларимизга бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Жиноят кодексининг "Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари"га доир 6-бўлими 86-моддасида ушбу тоифадаги айбланувчи-судланувчиларга нисбатан бир мунча енгил ва чекланган жазо чораларини қўллаш мумкинлиги белгиланган. Унга кўра, вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда, суд ушбу кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши лозим. Мазкур кодекснинг 16-боби вояга етмаган шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш чораларини кўзда тутади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, Хазорасп тумани Питнак шаҳрида яшовчи Онахон Худойбердиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) Урганч тумани Чолиш қўрғонида яшовчи Гулбаҳор Бекчонованинг хонадонига меҳмонга боради. У хонадон эгаларининг ишончини суиистеъмол қилиб, уларга тегишли жами 1 миллион 475 минг сўмликка яқин пул ва уй-рўзғор буюмларини ўғирлик йўли билан қўлга киритади. Бошқача айтганда, у Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатни содир этган.

Суд О.Худойбердиеванинг ёшлиги, вояга етмагани, айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини эътиборга олиб унга нисбатан қонунда кўзда тутилганидан камроқ жазо тайинлашга қарор қилди.

Дарҳақиқат, вояга етмаганларга нисбатан муносабатнинг ушбу жиҳати Олий суднинг қатор Пленум қарорларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўришда судлар иш бўйича исботланиши зарур бўлган ҳолатларни синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва судланувчининг шахсини эътиборга олган ҳолда аниқланган ҳақиқий ҳолатлар ва далиллар мажмуасига тўғри баҳо бериши лозим. Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш вақтида судлар айбланувчига нисбатан қўлланилган қамоққа олиш сифатидаги эҳтиёт чорасининг асосли эканлигини синчиклаб текшириши, ушбу чора судланувчининг шахси, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси шуни тақозо этган ҳоллардагина қўлланилишини назарда тутиши лозим. Қамоққа олиш асоссиз деб топилган ҳолларда суд дарҳол эҳтиёт чорасини ўзгартириши шарт.

Айтиш керакки, Жиноят процессуал кодексининг 51-моддасига мувофиқ дастлабки тергов жараёни ва судда вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари бўйича адвокат иштирок этиши шарт. Мазкур қоида вояга етмаган шахс ҳимоячидан воз кечганида ҳам татбиқ этилади. Ушбу процессуал қонун талабларига риоя қилмаслик ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўладиган қонунбузилиши сифатида эътироф этилади.

Жиноят қонунчилигида вояга етмаганлар томонидан содир этилган хатти-ҳаракатларда катта ёшдагиларнинг иштироки масаласи ҳам ўз ифодасини топган. Чунончи, агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилса-ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда уни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Агар вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишига катта ёшдагиларнинг, шу жумладан, иш юзасидан жабрланувчи, деб эътироф этилган шахсларнинг ғайриқонуний ёки ёмон хулқ-атвори сабаб бўлса, суд бу ҳолатни жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб эътироф этиши, шунингдек, зарур ҳолда қайд этилган шахсларнинг иш ёки яшаш жойларига хусусий ажрим чиқариб, муҳокама қилишга юбориши лозим.

Суд вояга етмаган айбдорни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялашнинг имконияти бўлмаган ҳоллардагина озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган фарзандларимизни тўғри йўлга бошлаш, уларни турли зарарли иллатлардан ҳимоялаш уларнинг келгусида яхши инсон бўлиб етишишига хизмат қилади.

**Фарҳод ШУКУРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг раиси*

*2013-yil — «Obod turmush yili»*

# Тадбиркорлик тараққиёт гарови

## бунда хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга хорижий маблағлар ҳам кенг жалб этилмоқда. Халқаро тараққиёт уюшмаси, Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди, Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастурининг лойиҳалари бунга мисолдир. Хусусан, Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фондининг хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида фаолият юритаётган ишбилармон аёлларга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, паррандачилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш учун 815 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда сармоялар ажратилди.

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди (ФОПСИ) билан ҳамкорликда фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакалари ва молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилган "Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳаси ҳам ўз самараларини бераётир. Жорий йилнинг ўтган даврида лойиҳа доирасида 5 минг нафар тадбиркор ва фермер аёлнинг имтиёзли микрокредитлар сўраб ёзган аризаси ижобий ҳал этилиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 10 ноябрдаги **"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**-ги Фармони банкнинг тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш имкониятларини ҳар жиҳатдан кенгайтиришида муҳим омил бўлаётир.



Фармонга кўра, "Микрокредитбанк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояларни шакллантиришга йиллик 3 фоизли, бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун эса, йиллик 6 фоизли микрокредитлар ажратмоқда. Бундан ташқари корхоналарни замонавий техника билан жиҳозлаш учун кўрсатилаётган микролизинг хизматлари ставкаси йиллик 5 фоизни ташкил этмоқда. Бу тадбиркор хотин-қизларга ўз бизнесини бошлаш ва фаолиятини ривожлантиришда жуда қўл келмоқда.

Банкдан олинган 28 миллион сўмлик кредит эвазига 7 иш ўрни яратилган Ҳазорасп туманидаги "Ҳазорасп ширт" хусусий корхонаси тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Боёвут туманидаги "Бахтиёрбек-Мағрурбек" кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси 24 миллион сўм эвазига ўнга яқин иш ўрни яратди. Бу ерда пластик ромлар ишлаб чиқарилмоқда. Наманган шаҳри "Беруний тикув савдо" хусусий корхонаси қарийб 6 миллион сўм эвазига фаолиятини кенгайтириб, 4 иш ўрни яратди. Фориш туманидаги "Фортекс" хусусий кичик корхонаси эса, олинган 20 миллион сўм эвазига жунни қайта ишлашни йўлга қўйиб, олтита янги иш ўрни яратди.

Айни пайтда "Микрокредитбанк" Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг UNWOMEN тузилмаси билан ҳамкорликда "Аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳаси доирасида имтиёзли бошланғич сармоя ажратиш лойиҳасининг иккинчи босқичини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Лойиҳа доирасида Қанликўл, Қарши, Тошлоқ, Фориш, Мирзаобод, Юқори Чирчиқ туманларида ўзаро ёрдам гуруҳлари билим даражаси ва салоҳиятини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ўтказилди.

Тренингда иштирок этган, кредит олиш учун зарур таъминотга эга бўлмаган беш юз нафардан ортиқ хотин-қизга жорий йилнинг апрель-май ойлари давомида ўзаро ёрдам гуруҳ аъзолари кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоялардан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда "Аёл тадбиркор бўлса" лойиҳасини эълон қилди. Аҳоли фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, пировардида бандлик масаласини ҳал қилишга қаратилган ушбу лойиҳа доирасида жорий йилнинг ўтган даврида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг етмишга яқин аҳоли яшаш пунктида семинарлар ўтказилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда аҳоли иштирокида ўтаётган бундай тадбирларда халқимиз фаровонлигини янада ошириш, бу борада яратилган шарт-шароит, имтиёзлар, жумладан, аёллар тадбиркорлиги, оилавий бизнесни ривожлантириш хусусида батафсил маълумотлар берилаётир.

**Сайёра ШОЕВА,**
*журналист*

*Qonun ko`magi*

# Қулай ишбилармонлик муҳити

## тадбиркорлик ривожида муҳим ўрин тутмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мазкур меъёрнинг жойлардаги ижроси ўрганилганда Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан айрим қоидабузарликларга қўл қўйилгани маълум бўлди.

Масалан, инспекция томонидан "Жиззахавтойўл" ХЙФДТ раҳбари З.Усмоновнинг корхона низоми ўзгарганлиги сабабли қайта рўйхатдан ўтказишни сўраб қилган мурожаатига асосан "Жиззахавтойўл" ХЙФДТ билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилган. Ушбу тадбиркорлик субъектининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун давлат божи 100 фоиз миқдорида олиниб, ортиқча тўлов ундиришга йўл қўйилган.




Президентимизнинг 2011 йил 12 майдаги **"Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига асосан 2011 йил 1 июндан туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақининг икки бараваридан бир бараварига ўзгартирилган.

Бироқ Зарбдор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси ходимлари қонунчиликдаги ўзгартишлардан ўз вақтида хабардор бўлмаганлиги сабабли тадбиркорлик субъектидан давлат рўйхатидан ўтказганлик учун белгиланган миқдордан ортиқча давлат божи ундирган.

Айтиш керакки, давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил қилинадиган акциядорлик жамиятларидан давлат божи олинмаслиги бегиланган бўлса-да, Дўстлик тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан "Дўстлик дон маҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида давлат божи ундирилган.

Якка тартибдаги тадбиркор С.Мамирова соғлиги тўғри келмаётганлиги сабабли фаолиятини вақтинча тўхтатиш тўғрисида Бахмал тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясига ариза билан мурожаат қилган. Ушбу ариза шу куни ижрога олинган, аммо якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтаганлиги тўғрисидаги маълумот солиқ инспекциясига 25 кун кечиктирилиб тақдим қилинган.

Ваҳоланки, Солиқ кодексининг 373-моддасида якка тартибда тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топшириши, якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган келгуси иш куни тугагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этилиши белгиланган.

Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Жиззах вилояти ҳудудий бўлими томонидан ўтказилган ушбу назорат тадбирлари давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли таъсир чоралари қўлланилди. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектлари ҳамда улар билан бевосита иш олиб борувчи идоралар ходимлари мазкур соҳага оид қонунчиликдан ўз вақтида хабардор бўлиб бориши мақсадга мувофиқ. Бу ортиқча оворагарчиликнинг олдини олиб, тадбиркорлар манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

**Баҳодир ҚАРШИЕВ,**
*Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Жиззах вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи*

*Amaliyot*

# Кассация тартибида

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, яқинда вилоят суди кассация инстанциясининг очиқ суд мажлисида жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ҳукмига нисбатан Д.Назаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) томонидан берилган кассация шикояти кўриб чиқилди. Маҳкум биринчи босқич суди томонидан Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми "а", "б", "в" бандлари, 277-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбдор деб топилган. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми "а", "б", "в" бандлари билан уч йил муддатга, Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "б" бандига асосан икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил уч йил бир ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Д.Назаров кассация тартибида берган шикоятида жиноят содир этилаётган пайтда воқеа жойида бўлганлиги, лекин жанжални бартараф этишга ҳаракат қилгани, жиноят содир этмаганини баён қилган.

Кассация инстанцияси судлов ҳайъати биринчи босқич суди ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди. Чунки жабрланувчи Д.Шодиевнинг берган кўрсатмасидан маълум бўлишича, 2012 йил 27 февраль куни ишдан сўнг у танишлари Сарвар, Ғолиб ва Аҳмадали билан ошхонага борган. Соат 23.30 ларда у ердан чиқиб, машинага ўтиришган. Бу пайтда Аҳмадали негадир орқада қолган. У ҳадеганда келавермагач, Д.Шодиев унинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, тезроқ чиқишини сўрайди. Айни шу пайтда унинг ёнига нотаниш киши, кейин маълум бўлишича, Д.Назаров келиб "кимга гапираяпсан?!" деб сўрайди.

Д.Шодиев телефонда гаплашаётганини айтади. Спиртли ичимлик таъсирида сархуш Д.Назаров уни машинадан тортиб туширади. Шу пайт Д.Назаровнинг жиноий шериги Н.Мўйдинова кела солиб, Д.Шодиевнинг қўлидаги телефон аппаратини тортиб олади ва сумкачасига солади. Д.Шодиев телефонини қайтариб беришни талаб қилгач, Д.Назаров уни силтаб ташлайди. Н.Мўйдинова эса, унинг бўйнидаги нархи 2 миллион 800 минг сўмлик тилла занжирини ҳам тортиб олади.

Айни жанжалнинг устига етиб келган Аҳмадали вазиятни кўргач, Н.Мўйдиновага тегишли "Нексия" русумли автомашинанинг давлат рақамини телефонида суратга олади. Буни кўрган Д.Назаров ва Н.Мўйдинованинг жиноий шериги Г.Мамасолиева кутилмаганда Аҳмадалига ташланиб, уни уришга тушади.

Д.Шодиев телефон аппарати билан тилла занжирини қайтариб беришини сўрайвергач, Д.Назаров бу ердан тезда кетмаса, оқибати ёмон бўлишини айтиб, жабрланувчига пўписа қилади. Судланувчилар Д.Шодиевнинг 700 минг сўмлик қўл телефони ва 2 миллион 800 минг сўмлик тилла занжирини қайтариб беришмайди.

Бундан ташқари гувоҳ М.Қобилованинг суддаги кўрсатмасида судланган Д.Назаровнинг 2012 йил 28 май куни Самарқанд шаҳар Рудакий кўчасида содир этилган жиноят ишидаги иштирокчилиги аниқ-тиниқ баён қилинган. Кўрсатмада қайд этилишича, М.Қобилова йўлда кетаётган пайтда, аввалига нотаниш бўлган, кейинчалик билишича, Г.Мамасолиева ва Д.Назаров А.Фаттоевни ҳеч бир сабабсиз уриб-тепиб унга тан жароҳати етказишган.

*Yangi qonun mohiyati*

# Электрон одил судлов

## фуқаролар манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизимининг яратилишига, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш, шунингдек, судьяларнинг иш юкламаларини камайтириш орқали судларда иш юритишни сифат жиҳатдан яхшилаш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларнинг кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Суд тизимини ривожлантиришнинг алоҳида йўналишларидан бири бу иш юритишни янги босқичга олиб чиқиш, яъни судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш ҳисобланади. Бугунги глобаллашув ва тезкор замонда дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасида жамиятнинг барча соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш жараёни кузатилмоқда. Шу маънода Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг **"Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур ҳужжатлар судларда иш юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган замонавий ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, энг муҳими, ривожланган давлатларда самарали қўлланилаётган электрон одил судлов институтини шакллантиришга хизмат қилади.

Электрон одил судлов суд ишларини амалга оширишнинг замонавий шаклларидан бири бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда одил судловни амалга оширишдан иборатдир.



Таъкидлаш жоизки, ушбу институтнинг афзаллиги шундаки, у суд ишини юритишни сифат жиҳатидан яхшилайди, суд харажатларини камайтиришга хизмат қилади ва низолашувчи тарафларга бир қатор қулайликлар яратади. Шунингдек, электрон одил судлов суд процесси иштирокчиларига кенг имкониятлар, хусусан, турли ҳужжатларни электрон шаклда жўнатиш, ишнинг боришини "Интернет" тармоғи орқали кузатиш, суд ҳужжатларини электрон шаклда олиш, видеоконференция алоқалари орқали суд муҳокамаларида иштирок этиш имкониятини беради.

Суд тизимида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши судларда иш юритиш самарадорлигини оширишга, судларда қоғоз шаклдаги ҳужжатлар айланишини камайтиришга, аризаларни кўриб чиқиш муддатини қисқартиришга, фуқароларга судларнинг ҳужжатлар базасига кириб "онлайн" режими орқали ҳужжатлар билан танишиш имкониятини яратишга хизмат қилади.

Тажрибадан маълумки, электрон одил судлов институтини жорий этиш икки босқичда амалга оширилади. Аввало, зарур бўлган ахборот-технология воситалари билан таъминланади, сўнг судга мурожаат этишдан ишни судда ҳал қилгунга қадар амалга ошириладиган ишларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш йўлга қўйилади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, электрон ҳужжат алмашинуви мамлакатимизда амалда бўлган "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги ва "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонунлар талаблари асосида тартибга солинади.

Электрон одил судлов ўтган асрнинг 90-йилларида пайдо бўлган ва ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида, чунончи, Буюк Британия, Германия, Франция, Канада, Италия, Сингапурда кенг тарқалган бўлиб, марказлашган тартибда амалга оширилмоқда. Хусусан, Германиянинг Фуқаролик процессуал кодексида фуқаролик суд ишларини юритишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда судга мурожаат этиш (фуқаролик ишларини қўзғатиш) ва маълумотлар алмашинувини таъминлаш белгиланган.

Мамлакатимизда ҳам электрон одил судловни жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 28-29 март кунлари бўлиб ўтган ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланиб, 2013 йилнинг 1 майида матбуотда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун билан амалдаги Хўжалик процессуал кодексига хўжалик судларига мурожаат этишда мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар хўжалик судига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлигини назарда тутувчи қўшимча киритилди. Бундан ташқари мурожаат этувчиларнинг электрон манзиллари даъво аризасида кўрсатилиши белгилаб қўйилди. Хўжалик судлари ўз навбатида, хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади, ушбу шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлса, ҳал қилув қарори ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкин. Хўжалик суди алоҳида ҳужжат тариқасида ажрим чиқарган ҳолларда тарафларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлса, ажрим ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкин. Бу эса, юртимизда электрон одил судловни амалиётга жорий этишга оид ҳаракатлар давом эттирилаётганлигидан далолат беради.

Кези келганда шуни айтиш керакки, бир қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибасида даъво аризалари электрон шаклда тақдим этилиши ва гувоҳлар билан бевосита мулоқат қилишнинг иложи бўлмаганда бу видеоконференциялар орқали таъминланиши йўлга қўйилганини кўриш мумкин. Бу далилларни маълум бир давлатлар ташқарисидан ҳам олишга ҳам имкон яратади ва бу ўз навбатида, вақт ва маблағни тежашга хизмат қиладиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур мамлакатларнинг тажрибаси таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, электрон одил судлов электрон шаклда иш юритиш, судларга ариза ва шикоятларни Интернет орқали тақдим этиш, суд иши юритишни электрон технологиялар орқали ёзиб бориш, "Интернет" тармоғи орқали суд материалларидан барчанинг фойдаланиши мумкинлиги, тарафларни суд биносига чақирмасдан "онлайн" режими орқали ишларни кўриб чиқиш каби бир-бири билан боғлиқ бўлган таркибий қисмлардан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, электрон одил судловнинг жорий этилиши судлов харажатларни камайтиришга хизмат қилиб, низолашувчи тарафларга бир қатор қулайликлар яратади, турли ҳужжатларни электрон шаклда жўнатиш, ишнинг боришини "Интернет" тармоғи орқали кузатиш, суд ҳужжатларини электрон шаклда олиш, видеоконференция алоқалари орқали суд муҳокамаларида иштирок этиш имконини беради ҳамда суд ишини юритишнинг сифат жиҳатидан янада юқори босқичга олиб чиқади.

**Мардонбек БОБОЖОНОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими*

*Qonun ijodkorligi*

# Оила мустаҳкамлигини таъминлаш

## бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бироқ қонунда белгиланганидан бирмунча эрта, яъни 15-16 ёшда оила қуриш ҳолатлари ҳам учраб туради. Шифокорларнинг таъкидлашича, аёлларнинг барвақт турмуш қуриши ёш она ва ҳомиланинг ҳаёти ҳамда соғлигига жиддий хавф солиб, боланинг ногирон, ақлий ва жисмоний нуқсон билан дунёга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган ва узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкинлиги кўрсатилган.

2013 йил 30 апрелда **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонуннинг амалга киритилгани бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур қонунга асосан Жиноят кодекси $125^{1}$-модда ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс "Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" деб номланган янги $47^{3}$-модда билан тўлдирилди.

Жиноят кодексига киритилган янги $125^{1}$-модда уч қисмдан иборат бўлиб, ушбу модданинг 1-қисмига кўра, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришганлик учун жавобгарлик белгиланиб, унда айбдор дастлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $47^{3}$-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилиб, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран шундай қилмишни содир этган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Ушбу қоидага кўра, агар никоҳ ёшига етмаган шахс, яъни эркаклар 18 ёшга, аёллар 17 ёшга тўлгунга қадар (агар ҳоким қарори билан бу ёш 1 йилга камайтирилмаган бўлса) ихтиёрий равишда ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришган бўлса, уларнинг ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланадиган бўлди.

Бунда ҳақиқатан никоҳ муносабатларига киришиш деганда, никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг эр-хотин бўлиб яшаб, эр-хотинлик муносабатларида бўлиши тушунилади. Жиноят кодексининг $125^{1}$-моддаси 2-қисмига кўра, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантирганлик учун жавобгарлик белгиланди. Бунда айбдор дастлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $47^{3}$-моддаси 2-қисми билан маъмурий жавобгарлик белгиланди. Шундай қилмиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу қоидага кўра, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсларни эрга бериш ёки уйлантириш мақсадида била туриб, никоҳ маросимларини ўтказиш ва никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг бирга яшашлари учун тегишли шарт-шароитларни яратиши тушунилади.

Агар ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилса, иш ҳолатларига қараб, уларнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 136-моддаси (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки тўсқинлик қилиш) билан квалификация қилиниши мумкин.

Жиноят кодексининг $125^{1}$-моддаси 3-қисмига кўра, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун жавобгарлик белгиланди.

Ушбу қоидага кўра, махсус диний маълумотга ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг тегишли рухсатига эга бўлган шахс (масалан, масжид имоми, масжид имом-хатиби кабилар) томонидан била туриб, никоҳ ёшига етмаган шахсларни никоҳ тузишига доир диний маросимларни амалга ошириши тушунилади.

Агар махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатига эга бўлмаган шахс никоҳ ёшига етмаган шахсларларнинг никоҳ тузишига доир диний маросимларни амалга оширса, иш ҳолатларига қараб, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг $229^{2}$-моддаси (диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш) билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мазкур қонун ҳар бир шахс, шу жумладан, ота-оналарнинг никоҳ тузиш билан боғлиқ масъулиятини янада оширишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, мустаҳкам оилалар таркиб топиши ва уларда соғлом фарзандлар камолга етишига замин яратади.

**Шерзод АБДУҚОДИРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани судининг судьяси*

*Ogohlik davr talabi*

**Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.**

# Инсон қадри, шаъни – муқаддас

## унга дахл қилиш жавобгарликка сабаб бўлади

Ушбу ҳуқуқий кафолатларнинг тўла таъминланиши учун мамлакатимизда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, одам савдосининг олдини олишга қаратилган амалий ишлар кўлами тобора кенгайтирилмоқда.

Бу борада "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги қонун ҳамда Олий суд Пленуми томонидан 2009 йил 24 ноябрда қабул қилинган "Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир.

Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро Республика комиссияси ташкил этилгани юртимизда ушбу жиноятга қарши курашиш самарадорлигини оширмоқда.

Бироқ шунга қарамай ҳаётда нафс қутқусига учиб, бундай тубан жиноий қилмишга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради. Мисол учун Фарғона шаҳрида яшовчи Х.Жўрабоев Маҳмуд исмли шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, гуруҳ бўлган ҳолда, 2007 йилнинг декабрь ойида Қувасой шаҳрида яшовчи Ш.Азимова, Э.Мукаррамова, Н.Абдуллаева, Г.Фозилова ва Қ.Абдуллаевларни чет элда иш билан таъминлашни, ҳар ойда 500-700 АҚШ доллари миқдорида маош беришни айтиб, уларни алдаб, чет элга олиб боришади.

Шундан сўнг ҳамтовоқлар жабрланувчиларнинг фуқаролик паспортини олиб қўйиб, санитария талабларига жавоб бермайдиган шароитларда сақлаб, мажбурий меҳнатга жалб қилишади.

Шунингек, Х.Жўрабоев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2008 йилда ҳам бир неча фуқароларни алдов асосида чет элга олиб боради.

(Давоми тўртинчи бетда)

# иш юритиш

## қонунийлик ва фуқаро ҳуқуқлари таъминланишининг кафолати



Сўнг А.Фаттоев қочиб кетаётган пайтда Д.Назаров уни қувиб етиб, дўппослаган.

Гувоҳ М.Қобилова А.Фаттоевга Д.Назаров ва Г.Мамасолиева тан жароҳати етказганини кўрган ва бу ҳақида тергов ва судда кўрсатма берган.

Бундан ташқари жиноят иши материалларидаги оғзаки аризани қабул қилиш, шахсни суратидан таниб олиш, кўрсатиш ва юзлаштириш баённомалари, судга оид тиббиёт экспертизаси хулосалари, тушунтиришлари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ҳам Д.Назаровнинг жинояти тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи босқич суди томонидан Д.Назаровнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми "а", "б", "в" бандлари, 277-моддаси 2-қисми "б" банди билан тўғри малакаланган ва қилмишига яраша адолатли жазо тайинланган.

Чунки биринчи босқич суди томонидан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб кўрилган.

Бундан ташқари биринчи босқич суди Д.Назаровга нисбатан жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **"Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"**ги қароридаги раҳбарий тушунтиришларга таянган. Д.Назаровнинг жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини, муқаддам судланмагани, қарамоғида икки нафар фарзанди борлиги, етказилган зарар қопланмагани, жабрланувчиларнинг даъвоси борлигини инобатга олган. Уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд эмаслиги боис, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тайинлаб, адолатли ҳукм чиқарган.

Судлов ҳайъати кассация шикоятида келтирилган важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўлолмаслиги сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда жиноят ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг ҳуқуқий институти - кассация инстанцияси юқорида гувоҳи бўлганингиздек, одил судловни амалга ошириш ва қонун устуворлигини таъминлашда самарали босқич эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Кассация тартибида иш юритиш қонунийлик ва фуқаро ҳуқуқларини таъминланишининг муҳим кафолати сифатида фуқароларнинг суд ҳокимиятига нисбатан ишончини янада оширмоқда.

**Толиб БОЙЗОҚОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари*

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч – адолатда" мухбири*

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Айтинг-чи, давлат пенсиясини олиш учун қаерга мурожаат этишим лозим.***

**Т.АҲМАДАЛИЕВ,**
*Шўрчи тумани*

— Сиз Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарорига 1-илова бўлган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига мувофиқ, пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза билан пенсия тайинлашни сўраб, ўзингиз яшаб турган тумандаги Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат этишингиз мумкин.

Ходимга ва унинг оила аъзоларига пенсия (боқувчисини йўқотганлик пенсияси) тайинланган тақдирда пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза ходимнинг ёки вафот этган боқувчининг (унинг оила аъзоларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган тақдирда) охирги иш жойи бўйича ташкилотнинг маъмурияти орқали ариза берувчининг яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига берилиши мумкин.

Пенсия тайинланадиган шахс балоғатга етмаган ёки ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда, ариза унинг ота-онаси ёки васийси томонидан яшаш жойи орқали берилади.

**Саволга Республика Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиси Жамшид РАҲМОНОВ жавоб берди.**

*Hikmat*

## Донолар дейдиларки

*Одамни қобилияти учун эмас, балки ўша қобилиятидан қандай фойдалана билгани учун қадрлаш керак.*

* * *

*Икки нарсани одат қил: ёрдам беришни ва ҳеч бўлмаса, зиён етказмасликни.*

* * *

*Яёв юриш — одам учун энг яхши муолажа.*

* * *

*Ўринли маслаҳатга қулоқ тутиш ҳам тўғри идрок қилишдир.*

* * *

*Энг яхши, эзгу иш — бу илм олишдир.*

* * *

*Қўлингдаги ишни тугатмай туриб, янгисига қўл урма.*

* * *

*Айтмоқчи бўлган сўзингни маъносини олдин англа ва кейин гапир.*

* * *

*Муваффақият қийинчиликсиз бўлмайди.*

*Mezon*

# Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий позицияси ва эзгу мақсадлари



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, аввалambор, ҳал қилувчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқаётган, она юртимиз келажагининг эгаси бўлган миллионлаб азму шижоатли фарзандларимизга боғлиқдир.

Ўзбекистон ёшлари онгу-тафаккурининг ошаётгани уларнинг дунёқараши кенгайиб, ватанпарварлик ва эл-юртга содиқлик туйғуси юксалиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Сўров натижалари шуни кўрсатадики, ёшларимиз "ўз халқининг тарихини яхши билиш", "миллий ифтихор туйғусининг ривожлангани", "миллий анъаналарни эъзозлаш", "ҳалоллик", "миллатлараро бағрикенглик", "қалбнинг тозалиги", "камтаринлик" каби асосий фазилатларни маънавият билан боғлиқ ҳолда тасаввур этади.

Ёшларнинг аксарияти (98,8 фоизи) "дунёда давлатлар кўп, аммо Ватанимиз — Ўзбекистон ягона ва бетакрордир" деб билади, 97,6 фоизи эса, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига ишонади. Улар ватанпарварлик туйғусини "Ватанга муҳаббат", "Ватанга фидокорона хизмат қилиш", "уни ҳимоя қилишга тайёрлик" деб тушунади. Миллий ўзликни англашни ёшлар миллатнинг маънавий ўзига хослиги, миллий истиқлол, аждодларимизнинг буюк мероси, она тилимиз билан боғлайди. Уларда мамлакатимиз ва халқимиз тарихига қизиқиш кучайиб бормоқда. Тарихни сўровда қатнашганларнинг 72,4 фоизи яхши билади.

Ёшларнинг кўпчилиги (95,2 фоизи) халқимиз менталитетига ёт турли зарарли ғоялар ва уларни тарқатувчиларга салбий муносабат билдирмоқда, уларнинг ёшлар маънавиятига ёмон таъсир кўрсатишини англамоқда. Ёшларнинг фикрича, бундай шахслар "ўзларининг ёвуз мақсадларини кўзлаб, ёшларни нотўғри йўлга бошлашга уринмоқда".

Ёшларимиз қадриятлари тизимида таълим муҳим ўрин тутади. 2011 йилда ушбу мавзу бўйича ўтказилган сўров натижаларига кўра, уларнинг учдан бир қисми олий маълумотга эга бўлишни истаган бўлса, 2013 йилда ҳар икки йигит-қиздан бири шундай фикрни билдирмоқда. Сўров қатнашчиларининг 61,5 фоизи ўз билим даражасини оширишни хоҳлайди. Шуниси эътиборлики, ўқишни давом эттиришни истаётганларнинг аксарияти қишлоқ йигит-қизларидир. Ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳам ортмоқда. Жорий йилда бу кўрсаткич 2004 йилги сўровга нисбатан икки баробар юқоридир. Шунингдек, ёшлар ўзининг ҳуқуқий билимини янада оширишни истайди (72,5 фоиз).

Аксарият йигит-қизлар танлаган касби, иш ҳақи миқдори ва меҳнат шароитларидан мамнун. Уларнинг 62,4 фоизи хизмат поғоналаридан кўтарилишга ҳаракат қилмоқда. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш даражаси ошмоқда, ҳар уч йигит-қиздан бири бу йил ўз бизнесини йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий туб ўзгаришлар ёшларимизнинг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳаётидан мамнун (78,3 фоизи). Улар ўз келажагини, аввалambор, жамиятга фойда келтириш учун билим олиш, яхши мутахассис бўлиш, мустаҳкам оила қуриш билан боғламоқда.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, истиқлол йилларида Ўзбекистон ёшларида янги қадриятлар ҳамда одоб-ахлоқ нормалари тизими шаклланди. Ватанпарварлик, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиш, мустақил фикрлаш, мақсадга интилувчанлик, ижтимоий сафарбарлик бу тизимга хос хусусиятлардир. Мамлакатимизнинг ёш фуқаролари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган сиёсат уларнинг порлоқ келажагининг кафолати эканига ишонади. Ёшлар давлатимиз томонидан яратилаётган улкан имкониятларни юқори баҳолайди ва бунинг натижасида ҳаётда ўз режаларини рўёбга чиқаришга қатъий ишонади.

**"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади**

*G'aroyib olam*

# Биз билган ва билмаган дунё

## УЗОҚ ЯШАШНИНГ СИР-СИНОАТЛАРИ

**Узоқ умр кўриш ва ҳамиша соғлом-тетик юриш — ҳар бир кишининг орзуси, десак, янглишмаймиз. Зеро, одам боласига бундан ортиқ мукофот йўқ аслида. Шунинг учун ҳам инсоният азал-азалдан мангу ёшлик инъом этувчи малҳамни излаган. Чунки узоқ яшашнинг бирдан-бир воситаси шунда деб билган.**

Бундан ташқари олимлар кўп асрлардан буён одам боласи қайси ёшдан бошлаб кексайиши юзасидан илмий изланишлар олиб боришади. Бу борада қадимги юнонлар одамнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий аҳволи билан боғлиқ муайян жараёнларни қамраб олган қарашлари билан эътиборбоп тахминларни ўртага ташлашган. Шунга қарамай илк замонавий ёш босқичлари машҳур немис олими Рубнер томонидан таклиф этилган. У ўтган аср бошларида одам 50 ёшдан кейин кексая бошлашини, 70 ёшдан ошганда эса, ҳаётий тажрибалари пишиб етилган ўзига хос шахс сифатида шаклланишини баён этади. 1905 йилда эса, америкалик таниқли врач В.Аспер кексалик аломатлари одамда 60 ёшдан кейин пайдо бўлишини қайд этган. Машҳур немис олими Л.Ашоф эса, 65 ёшдан сўнг қарилик бошланади, деб эътироф этади.

Яна бир қизиқ маълумот. Ҳозирги пайтда геронтолог олимларнинг фикрлари кўпчиликда ҳайрат уйғотмоқда. Яъни улар аввало одамнинг тақвим (календарь) ва биологик ёшини алоҳида ажратиб, масалани ҳал этиш керак, деган фикрни илгари суришмоқда. Чунки тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, тақвим ёши организмнинг аҳволини тўла намоён қила олмайди. Айни пайтда одамнинг биологик ёшини аниқлайдиган бир қатор илмий методлар ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида бутун организмнинг муайян ёшини аниқлаш мумкин.

Ўрни келганда шуни ҳам қайд этиш жоизки, тиббиёт амалиётида инсониятнинг яшаш тарзига мутлақо тескари ҳодисалар ҳам учрайди. Хусусан, дунёнинг турли мамлакатларида ҳаммаси бўлиб 200 дан зиёд эрта қариш касалига дучор бўлган кишилар рўйхатга олинган. Мисол учун 1988 йилда шанхайлик дўхтирлар рўйхатга олган 6 яшар болакай, соғлом ота-онадан туғилган эса-да, жуда эрта қариган. Боланинг бўйи 70 см, оғирлиги эса 5 кило эди, икки ёшга тўлгандан кейин унинг юзида ажинлар пайдо бўлиб, сочлари тўкила бошлаган.

Ҳозирги пайтда дунёда 110 ёшдан ошган 3000 нафарга яқин ва яна 200000 нафарга яқин юз билан юзлашган улуғ ёшлилар бор. Шунингдек, сайёрамиз аҳолисининг беш фоиз вакилларида узоқ яшаш генлари мавжуд экан.

Умуман олганда, узоқ яшаган одамлар ҳамиша ўз даврида кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортган. Бундай одамлар ҳақида ҳам кўплаб афсона ва асотирлар мавжуд. Албатта, узоқ умр кўрган одамлар ҳақида қадимдан ҳар хил қарашлар, умр ўлчами мезонларига ҳам ҳар хил ёндашувлар бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Бинобарин, статистик маълумотлар бўйича, дунёга машҳур Гиннеснинг рекордлар китобида бизнинг давримизга яқин вақт оралиғида яшаб ўтган узоқ умр кўрувчилар аниқ ёзиб қўйилган. Чунки унда ҳеч бир шахс ноаниқ, оғзаки гап асосида эмас, балки аҳолини тегишли тартибда рўйхатга олиш тартибида қатъий қонуний фактларга таяниб, янаям аниқроғи, туғилганлик ва ўлим гувоҳномаси муфассал ўрганилиб, ишонч ҳосил бўлгач, китобга киритилган. Шундай қилиб, Гиннеснинг рекордлар китобида одамзотнинг энг узоқ умр кўриш даври 122 йил эканиги қайд этилган. Бу узоқ яшаш бўйича кўрсатилган рекорд натижа франг аёли Жанна-Луизе Кальманга тегишли бўлиб, у 1875 йил 21 февралда дунёга келиб, 122 йил яшаб, 1997 йил 4 августда ҳаётдан кўз юмган.



**Интернет материаллари асосида Сафар ОЛЛОЁР тайёрлади**

*Ogohlik davr talabi*

# Инсон қадри, шаъни — муқаддас

## унга дахл қилиш жавобгарликка сабаб бўлади

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Уларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, 2009 йилнинг ноябрь ойига қадар мажбурий меҳнатга жалб қилиб, иш ҳақларини бермасдан ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Мазкур қилмиш жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди томонидан кўриб чиқилиб, Х.Жўрабоевга нисбатан қонунда белгиланган тарздаги жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатиши одам савдосидек мудҳиш жиноятнинг олдини олади. Зотан, мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг эркин ҳаёт кечириши амалдаги қонунчилигимиз асосида кафолатлаб қўйилган.

**А.МИРЗАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг раиси*

*Giyohvandlik — asr vabosi*

# Эгри йўлга бош қўшганлар

**Бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган глобал муаммолар сирасига киради. Бу иллат инсон саломатлигига путур етказибгина қолмай, жамият барқарорлигига жиддий хавф туғдириши баробарида бошқа жиноятларнинг келиб чиқишига ҳам йўл очади.**

Мамлакатимизда гиёҳвандлик балосига қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, Жиноят кодексида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш оғир ва ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлиб, уларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Шунинг баробарида бу турдаги жиноятларни содир этган, гиёҳвандликка муккасидан кетган кимсаларга нисбатан судлар томонидан мажбурий тартибда даволаш чоралари ҳам қўлланилади.

Фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирайлик. Китоблик Баҳодир Юсупов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ва Шавкат Тўраев жиноий қилмиши учун муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган. Бироқ "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деганларидек, бу кимсалар бошқалардек ҳалол яшаб, эл корига яраш ўрнига такроран тубанлик йўлини танлаб, оғуфурушликдек қабиҳ жиноятга қўл уришди.




Кунларнинг бирида Баҳодир туманнинг деҳқон бозорида Шуҳрат Мирзаевни учратиб қолади. Ўзаро гурунг асносида Шуҳрат унга ўзининг эҳтиёжи учун "дори" зарурлигини айтади.

— Ўзимда-ку йўқ, — дейди Баҳодир кўзларини олазарак қилиб. — Агар пулини берсангиз, танишларимдан топиб беришим мумкин.

Қисқаси, шу куни Баҳодир Шуҳратдан 2.1 грамм гиёҳвандлик моддаси учун 20.000 сўм олиб, у билан хайрлашади. Баҳодир маҳалладоши Шавкат Тўраев хуфёна тарзда анчадан буён оғуфурушлик билан шуғулланиб келишини биларди. Шу боисдан ҳам у Шуҳратга заҳри қотилдан топиб беришни ваъда қилганди. Баҳодир шу заҳотиёқ Шавкатнинг уйига йўл олди. Ҳамтовоқлар ўртасида "иш" пишгач, Шавкат ўзига тегишли "Тико" русумли автомашинада 2,1 грамм "заҳри қотил"ни Баҳодирнинг уйига келтириб беради.

Айнан ўша куни Баҳодир Шуҳрат Мирзаев билан Китоб темирйўл бекатида жойлашган тамаддихонада учрашишга келишиб олади. Баҳодир сигарет қутисидаги "оғу"ни Шуҳратга бераётган пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари боис шу куни Шавкат Тўраев ҳам қўлга олинди. Унга тегишли"Тико" русумли автомашина кўздан кечирилганда, машинанинг ўриндиғи остидан 1,3 грамм оғу топилди. Устига-устак, суриштирув чоғида Ш.Тўраев уйида "марихуана" гиёҳвандлик воситасини ўстириб келаётгани ҳам аён бўлди.

Судга оид наркология экспертиза хулосасида Ш.Тўраев соғлиқ учун хавфли иллат — гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги, у мажбурий равишда даволанишга муҳтож эканлиги қайд этилган.

Суд оғуфуруш кимсаларнинг кирдикорларини атрофлича муҳокама этиб, Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан уларнинг ҳар бирига нисбатан қонун доирасида жазо тайинлади. Шунингдек, Ш.Тўраевга тегишли "Тико" автомашинаси жиноят қуроли сифатида суд ҳукми билан давлат эгалигига ўказилди.

Ачинарлиси шундаки, гиёҳвандлик балоси фақат инсон ҳаётини издан чиқарибгина қолмай, унинг саломатлигига ҳам жиддий хавф солади. Шу боисдан ҳам бу иллатга қарши курашиш орқали бебаҳо бойлигимиз — саломатлигимизни авайлаб — асрашимиз баробарида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг ҳам олдини олган бўламиз.

**Ботирали ДИЁРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани судининг раиси*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯХЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-516. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6942.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 21:00 Топширилди: 21:30